

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА РЕНГАЛИН

Препаратнинг савдо номи: Ренгалин

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун гомеопатик эритма

Таркиби:

100 мл қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

брадикининга аффин тозаланган антителалар – 0,12 г*,

гистаминга аффин тозаланган антителалар – 0,12 г*,

морфинга аффин тозаланган антителалар – 0,12 г*;

* мувофиқ равишда 100¹², 100³⁰, 100⁵⁰ марта суюлтирилган субстанциянинг уч фаол сувли аралашмалари кўринишида чиқарилади.

ёрдамчи моддалар: 1,0 г гипромеллоза, 6,0 г мальтитол, 3,0 г глицерол, 0,165 г сорбат калий, 0,02 г сувсиз лимон кислотаси, тозаланган сув 100 мл гача.

Таърифи: рангсиз ёки деярли рангсиз тиниқ суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: йўталга қарши восита

АТХ коди: R05DB

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Препаратнинг компонентлари эндоген регуляторларни тегишли рецепторлар билан лиганд-рецептор ўзаро таъсири фаоллигини модификация қилиши экспериментларда намоён этилган; морфинга антителалар (препаратнинг компоненти) опиат рецепторлар билан ўзаро лиганд-рецептор эндоген регулятор; гистаминга антителалар – Н₁ гистамин рецепторлари билан; брадикининга антителалар – брадикининнинг рецепторлари билан; бунда компонентларни бирга қўллаш йўталга қарши самарани кучайишига олиб келади.

Йўталга қарши таъсиринидан ташқари, мажмуавий препарат унинг таркибига кирувчи компонентлар ҳисобига яллиғланишга қарши, шишга қарши, антиаллергик, спазмолитик (гистаминга антителалар, брадикининга антителалар) ва оғриқ қолдирувчи (морфинга антителалар) таъсир кўрсатади.

Ренгалин мажмуавий препарати гистаминга-боғлиқ Н₁-рецепторлар ва брадикининга-боғлиқ В₁ ва В₂-рецепторларни модификация қилиш ҳисобига узунчоқ миядаги йўтал марказининг қўзғалувчанлигини танлаб пасайтиради. Йўтал рефлексининг марказий бўғинларини тормозлайди. Таламусдаги оғриқ сезувчанлиги марказларини сусайтириб, бош мия пўстлоғига оғриқ импульсларини ўтказилишини блоклайди. Тўқима ва плазмадаги альгогенлар (гистамин, брадикинин, простагландин ва бошқалар) нинг ажралиб чиқишини камайтириш оқибатида перифериядан оғриқ импульсларини оқимини ингибиция қилади. Наркотик анальгетиклардан фарқ қилиб, нафасни сусайиши, дорига қарамликни чақирмайди, наркоген ва ухлатувчи таъсирга эга эмас.

Бронхоспазмни енгиллаштириб, ўткир фарингит, ларингит ва бронхитни намоён бўлишини енгиллаштиради. Семиз хужайраларда гистамин ва брадикининнинг синтезини ва ажралиб чиқишига таъсири орқали аллергия реакцияларнинг тизимли ва маҳаллий симптомларини бартараф этади.

Фармакокинетикаси

Замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллариининг (газ-суюқлик хроматографияси, юқори самарали суюқлик хроматографияси, хромато-масс-спектрометрия) сезгирлиги Ренгалин препаратининг фаол компонентларини биологик суюқликларда, аъзолар ва тўқималарда

аниқлаш имконини бермайди, бу фармакокинетикасини техник жиҳатдан ўрганиб бўлмаслигини билдиради.

Қўлланилиши

Йўтал ва бронхоспазм билан кечувчи нафас йўллариининг ўткир ва сурункали касалликлари. Грипп ва ЎРВИ, ўткир фарингит, ларинготрахеит, ўткир обструктив ларингит, сурункали бронхит ва юқори ва қуйи нафас йўллариининг инфекцион-яллиғланиш ва аллергия касалликларида балғамли ва қуруқ йўталда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Ичга буюрилади. Бир қабул қилишга – 1-2 чой қошиқ (5-10 мл) - овқатланишдан ташқари. Препаратнинг максимал самараси учун юришдан олдин эритмани оғизда ушлаб туриш керак.

1-2 чой қошиқдан суткада 3 марта қабул қилинади. Ҳолатнинг оғирлик даражасига қараб биринчи уч кунда қўллаш тез-тезлиги суткада 4-6 мартагача оширилиши мумкин.

Даволаш давомийлиги касаллик оғирлигига боғлиқ ва даволовчи шифокор томонидан белгиланади.

Ножўя таъсирлари

Препаратнинг компонентларига шахсий юқори сезувчанлик реакциялари бўлиши мумкин. Агар келтирилган ножўя самаралар кучайса, ёки Сиз йўриқномага келтирилмаган бошқа ҳар қандай ножўя самарани сезсангиз, бу ҳақида шифокорга хабар беринг.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

3 ёшгача бўлган болалар.

Препаратнинг компонентларига шахсий юқори сезувчанлик.

Фруктозани наслий ўзлаштираолмаслик (таркибида мальтоза борлиги сабабли).

Эҳтиёткорлик билан: қандли диабет.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ўтказилган клиник тадқиқотларда Ренгалин препаратини ёндош даволаш сифатида қабул қилинаётган дори воситалари билан ўзаро таъсири ҳақида маълумотлар олинмаган.

Махсус кўрсатмалар

Қуруқ (маҳсулотсиз) йўтал билан кечувчи касалликлар, уни нам (маҳсулотли) йўталга олиб келишига ёрдам беради.

Зарурати бўлганида муколитиклар билан қўллаш мумкин.

Қандли диабетни бўлган беморлар препаратнинг ҳар бир қошиғи (5 мл) 0,02 нон бирлигига (НБ) мувофиқ келувчи 0,3 г мальтитол сақлашини ёдда тутишлари керак. Мальтитолнинг метаболизми учун инсулин зарур, гарчи секин гидролиз ва меъда-ичак йўлларида сўрилиши сабабли инсулинга эҳтиёж кам. Мальтитолнинг энергетик қиймати 10 кДж ёки 2,4 ккаль/г, бу сахарозага қараганда кам. Бир чой қошиқ препаратнинг энергетик қиймати тахминан 5,7 кДж (1,37 ккал) ни ташкил қилади.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида Ренгалинни қўллашнинг хавфсизлиги ўрганилмаган. Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида препарат фақат, агар она учун кутилаётган фойда хомила ва бола учун потенциал хавфдан устун бўлсагина қўллаш мумкин. Фойда/хавф нисбатини даволовчи шифокор белгилайди.

Транспорт воситалари, механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Ўрганилмаган.

Дозани ошириб юборилиши

Доза ошириб юборилганда препаратнинг таркибига кирувчи тўлдирувчилар (мальтитол, глицеро) билан боғлиқ диспептик кўринишлар (кўнгил айнаши, қусиш, диарея) кузатилиши мумкин.

Даволаш – симптоматик.

Чиқарилиш шакли

Ичга қабул қилиш учун гомеопатик эритма.

100 мл дан биринчи очилиши назоратли полиэтиленли томчилагичли қопқоқча билан беркитилган, ОС маркали шиша ёки рангли шиша флаконларда. Ҳар бир флакон давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

Саклаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда. Музлатилмасин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилган юридик шахс, ва Россия Федерацияси ҳудудида эътирозларни қабул қилувчи ташкилот

НПФ «МАТЕРИА МЕДИКА ХОЛДИНГ» МЧЖ,

Россия, 127473, Москва ш., 3-нчи Самотечный пер., 9 уй.

Тел./факс: +7 (495) 684-43-33.

«Ишонч» телефонлари: +7 (495) 681-09-30, +7 (495) 681-93-00.

E-mail: hotline@materiamedica.ru

Дори препаратини ишлаб чиқариш жойининг манзили

Россия, 454139, Челябинск ш., Бугурусланская кўч., 54 уй.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

НПФ «МАТЕРИА МЕДИКА ХОЛДИНГ» МЧЖ ни ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, 100090, Тошкент ш, Яккасарой тумани,

Таробий кўч., 11 уй

Тел.: +998712544057.

E-mail: uz@dep.materiamedica.ru